

---

## "POSCO" ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРИНИНГ ЁЗЁВОНГА ТАШРИФИ

„ POSKO" international tekstil пахта тўқимачилик кластери Ёзёвон туманида иш бошлаганига бир йилдан ошди. Ўтган бир йил давомида кластер томонидан қишлоқ хўжалик техникалари-ҳайдов, экиш сеялкалари, культивация, транспорт тракторлари етарлича келтирилди. Пахтани қайта ишлаш, ёғ заводлари қуриляпти.

Ёзёвон туманига „ POSKO" international tekstil компанияси ижрочи директори жаноб Чон Так ташриф буюрди. Меҳмонни туман ҳоқими Дилшоджон Джалилов кутиб олди. Меҳмон ҳамкорлик учун туман ҳоқимига миннатдорчилик билдириб, ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўлишига ишонч билдирди. Кореялик инвестор пахта заводи қурилиш жараёнлари билан танишди. Танишиш жараёнида қишлоқ хўжалик техникалари саройини замонавий техникалар билан бойитишини айтиб ўтди. Меҳмонун мезбонлар гувоҳлигида пахта заводининг биринчи навбати синов билан ишга туширилишига старт берилди.

Меҳмонлар Хонобод пахта тайёрлаш масканида ҳам бўлиб, хом ашёнинг сақланиш ҳолати, қишлоқ хўжалиги техникаларининг мавсумга шайлигини кўздан кечиришди.

Меҳмонларга вилоят ҳоқими ўринбосари-инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Иқболжон Эргашев ҳамроҳлик қилди.

Ёзёвон тумани ҳоқимлиги ахборот хизмати.

2023-03-14 14:36:52